# ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
# №2- СОНЛИ КЕНГАШ БАЁННОМА ҚАРОРИ

Тошкент ш.
28 сентябр 2016 йил

Раис – академик Ш.И.Каримов
Котиб - А.Т.Махмудов

Кенгаш раиси академик Ш.И.Каримов қуйидаги кун тартиби асосида кенгаш мажлисини очди:

1. 2016-2017 ўқув йили баҳорги семестри натижалари. Камчиликлар ва уларни бартараф этиш чоралари

Маърузачи – Ўқув ишлари бўйича проректор,
профессор О.Р.Тешаев

2. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш

Маърузачи – Илмий ишлар бўйича проректор,
профессор Ш.А.Боймурадов

3. Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга сайлаш.
4. Диссертация, монография ва ўқув услубий ишлар мавзуларини тасдиқлаш.
5. Турли масалалар.

Кун тартиби овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кўриб чиқилган биринчи масала: О.Р.Тешаевнинг маърузаси бўйича қуйидаги қарор қабул қилинди.

Тошкент тиббиёт академиясида рақобатбардош, юқори малакали умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаб, талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичларини кўтариш, маърузада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, таълим сифатини ошириш мақсадида академия Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан нуфузли хорижий университетлар ўқув дастурига мос равишда тузилган фан дастурлари ва календар-тематик режалар асосида ўқув жараёни ташкил этилсин.

**Масъул - Ўқув ишлари бўйича проректор, ўқув бўлими, деканатлар ва кафедра мудирлари**
**Муддат- доимий**

2. Биринчи курснинг 2-3-4 - блок фанлари бўйича дарс берадиган профессор-ўқитувчилар томонидан инглиз тилидаги адабиётлар таржимаси якунлансин ва улар асосида ўқув-услубий мажмуалар тайёрлансин

**Масъул - Факультет деканлари, кафедра мудирлари, кафедраларнинг ишчи гуруҳлари**
**Муддати - 2016 йил октябр**

3. Ўқув жараёнига электрон таълим тизими кенг тадбиқ этилсин ва янги маълумотлар билан тўлдирилсин

**Масъул - Ўқув ишлари бўйича проректор, ўқув бўлими,**
**ахборот-ресурслар маркази, деканатлар ва кафедра мудирлари**
**Муддати – доимий**

Ушбу қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор О.Р.Тешаев зиммасига юклатилсин.

Қарор овозга қуйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кўриб чиқилган иккинчи масала: Ш.А.Боймурадовнинг маърузаси бўйича қуйидаги қарор қабул қилинди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ: 1. Ҳар бир талабага индивидуал ёндошиш (ҳар бир ўқитувчи талабани иқтидорини аниқлаш)

**Масъул – Кафедра мудирлари**
**Муддат – доимий**

2. Гуруҳларда ҳар бир талабага асосий ўқишдан ташқари бажарадиган вазифалар берилсин

**Масъул – Факультет деканлари, кафедра мудирлари,**
**гуруҳ кураторлари**
**Муддат – доимий**

3. Иқтидорли талабаларга кафедрада қўшимча машғулотлар, секциялар ташкил қилинсин

**Масъул - Кафедра мудирлари**
**Муддат – доимий**

4. Факультетларда иқтидорли талабалар иштирокида интеграл семинарлар ташкил қилиш

**Масъул – Факультет деканлари**
**Муддат – доимий**

5. Фан олимпиадалари, ёш олимлар конференциялари, ТИЖ конференциялари ташкил қилинсин

**Масъул – Илмий ишлар бўйича проректор,**
**иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими,**
**кафедра мудирлари**
**Муддат – доимий**

6. Иқтидорли талабаларни халқаро даражадаги конференция, семинарларга жалб қилиш, иштирокини таъминлаш

**Масъул – Илмий ишлар бўйича проректор,**
**халқаро бўлим, ҳар бир ўқитувчи Муддат – доимий**

Ушбу қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш илмий ишлар бўйича проректор Ш.А.Боймурадов зиммасига юклатилсин.

Қарор овозга қуйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

**Кенгаш раиси, академик Ш.И.Каримов**